

УНДИРИЛГАН БУҒДОЙ ВА АРПА УНИДАН КОСМЕТИК ГЕЛЬ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

М.М.Шорахимова, К.С.Махмуджонова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: махсус биологик усулда ундирилган буғдой ва арпадан олинган кукун иштирокида косметик гель тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Усуллар: Мақсадга эришиш учун икки хил асосли таркиб танлади:

а) 3% ли метилцеллюлоза

б) 2% ли NaКМЦ

Таркиб №1

Биологик усулда ундирилган буғдой ёки арпа уни	-----0,5
3% ли МЦ	----- 1,5
Сорбин кислота (0,5%)	-----0,25
Глицерин	-----10,0
Тозаланган сув	-----50,0 мл гача

Таркиб №2

Биологик усулда ундирилган буғдой ёки арпа уни	-----0,5
2% ли NaКМЦ	----- 1,5
Сорбин кислота (0,5%)	-----0,25
Глицерин	-----10,0
Тозаланган сув	-----50,0 мл гача

Тайёрлаш технологияси: (қовус ичидагилари 2-таркиб технологиясига таалуқли).

Буғдой ёки арпа унларидан 0,5 гр.олиб 1,0- 1,5 гр глицерин билан яхшилаб аралаштирилади,сўнгра оз-оздан қолган глицерин қўшиб аралаштирилади.

1,0 гр МЦ (NaКМЦ) устига 80°-90°С (40-50°С) ли тозаланган қайноқ сувни ярми билан 30-40 минутга бўктириб қўйилади.Сўнгра хона хароратидаги сувни қолган қисми қўшилади ва яхшилаб аралаштириб, бир оз вақт совуткичда сақланади. МЦ-эритмаси устига юқоридаги аралашма қўшилиб яхшилаб аралаштирилади. Гелнинг турғунлигини таъминлаш учун 0,5% ли сорбин кислота эритмасидан қўшилади.

Тайёрланган гель бир хил аралашган, оч қаймоқ рангли, майин суртилувчан, хона хароратида турғун массага эга бўлди.

Натижалар: икки хил асосда буғдой ва арпа унидан косметик гел технологияси яратилди.

Хулоса: тайёрлаган гелни терини тиниқлаштирувчи, уни дағаллашувини олдини олувчи восита сифатида тавсия этилади.